

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2021 йил 19 ноябрь куни, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг очик сайёр суд мажлиси Гулзор маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи З.Бобонов, судья ёрдамчиси Ш.Жалилов, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Комилов, судланувчи М.Махмудохунов, жабрланувчилар Д.Яхяева, М.Хабибова. фуқаровий даъвогарлар Н.Хақимбеков ва С.Усмановнинг иштирокида, Махмудохунов Мухаммаджон Махмуд ўғлига оид **1-1008-2101/490** сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Махмудохунов Мухаммаджон Махмуд ўғли (Махмудохунов Мухаммаджон Махмуд о'g'li),

1996 йил 27 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, судланмаган, маълумоти ўрта-махсус, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимида ҳайдовчи, оилали, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чуқурсой кўчаси, 41/16-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

Судда аниқланишича, М.Махмудохунов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимида ҳайдовчи вазифасида ишлаб келиб, 2021 йил 22 апрель куни соат 15:30 ларда ўзига хизмат юзасидан бириктирилган “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомашинани Олмазор тумани ҳудудидан ўтган Кичик ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб, Фаробий кўчаси томондан бошқариб келиб, Кичик ҳалқа автомобиль йўли ва Умид кўчаси кесишган чорраҳадан чап (туман ҳокимлиги) томонга бурилиш вақтида, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 4-бандидаги, йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклиги ҳақидаги, 107-бандидаги, чапга бурилишда ёки қайрилиб олишда рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси тенг аҳамиятли йўлдан карама-қарши йўналишдан тўғрига ёки ўнгга ҳаракатланаётган, шунингдек руҳсат этилган ҳолларда қувиб ўтаётган транспорт воситаларига йўл бериши шартлиги ҳақидаги талабларига амал қилмасдан ҳаракатланиши оқибатида, ўзига нисбатан карама-қарши йўналишдан тўғрига ҳаракатланаётган Н.Хақимбековнинг бошқарувидаги “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомобилга йўл бермасдан, унинг ҳаракатига хавф туғдиргани натижасида, тўқнашув содир бўлган.



Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомашинада бўлган Д.Яхяева Суд-тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 4 майдаги 2271-Ҳ-Раж-сонли хулосасига кўра, ўртача оғирликдаги тан жароҳати;

ушбу автомашинада бўлган М.Хабибова Суд-тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 4 майдаги 2272-Ҳ-Раж-сонли хулосасига кўра, соғликнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати олган.

Шунингдек, “Amir avto baholash” МЧЖнинг 2021 йил 28 апрелдаги 3173-сонли баҳолаш хулосасига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида Н.Хакимбековнинг бошқарувида бўлган “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомашинага 6.454.745 сўмлик;

ушбу баҳолаш жамиятининг 2021 йил 27 апрелдаги 3131-сонли баҳолаш хулосасига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида М.Махмудохуновнинг бошқарувида бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимига тегишли “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомашинага 11.225.353 сўмлик моддий техник зарар етказилган.

Судланувчи М.Махмудохунов суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп эканлигини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимида ҳайдовчи вазифасида ишлаши, 2021 йил 22 апрель куни соат 15:30 ларда ўзига хизмат юзасидан бириктирилган “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомашинада ҳамкасблари Д.Яхяева ва М.Хабибоваларни Олмазор туман ҳокимлигига олиб келаётганида, ҳокимлик биноси рўпарасидаги чорраҳадан чапга бурилаётганида, қарама-қарши йўналишдан тўғрига ҳаракатланаётган “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомашинани кўрмай қолгани, натижада автомобилларнинг тўқнашуви содир бўлиб, унинг бошқарувидаги автомашинада бўлган Д.Яхяева ва М.Хабибовалар турли даражада тан жароҳатлари олишгани, шунингдек, ҳар иккала автомашинага моддий-техник зарар етгани, ўзига хизмат юзасидан бириктирилган “Дамас” русумли автомашинани тўлиқ тузатиб бергани, шунингдек, жабрланувчилар Д.Яхяева ва М.Хабибовалардан узр сўраб, уларнинг даволаниши учун ҳам имконияти етгунича ёрдам бергани, бироқ оилавий шароити оғирлиги сабабли Н.Хакимбековнинг бошқарувидаги “Матиз” русумли автомашинага етказилган моддий-техник зарарни қоплашга имконияти бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани, ҳайдовчиликдан бошқа касби йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд, М.Махмудохуновнинг айби, ўзининг суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судда тўпланган қуйидаги далиллар, яъни:

жабрланувчи Д.Яхяеванинг суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимида дезинфектор ифасида ишлаши, 2021 йил 22 апрель куни раҳбарият томонидан ҳамкасби



М.Хабибова иккаласи Олмазор тумани ҳокимлигида бўладиган йиғилишда катнашувчи фуқароларни температурасини ўлчаш ва ниқоб билан таъминлаш учун сафарбар қилинган, шу куни соат 15:30 ларда Д.Яхяева иккаласи корхона ҳайдовчиси М.Махмудохуновнинг бошқарувидаги “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомашинада Олмазор туман ҳокимлигига бораётганларида, ҳокимлик биноси рўпарасидаги чорраҳадан чапга бурилаётганларида, ҳайдовчи М.Махмудохунов қарама-қарши йўналишдан тўғрига ҳаракатланаётган “Матиз” русумли автомашинани йўлига чиқиб кетиши натижасида тўкнашув содир бўлгани, тўкнашув натижасида у ва ҳамкасби М.Хабибова тан жароҳати олишгани, шу ерда бўлган фуқаролар Тез-тиббий ёрдам хизматига хабар қилишгани, бироздан кейин Тез-тиббий ёрдам машинасида уларни шифохонага олиб кетишгани, тиббий текширув натижасига кўра унинг кўкрак қафаси чап томонидаги бешта қовурғасининг сингани аниқлангани, даволаниши учун кетган харажатларни ишхонаси қоплаб бергани, ҳозирда соғлиги яхшилиги, судланувчи М.Махмудохуновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

жабрланувчи М.Хабибованинг суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимида дезинфектор вазифасида ишлаши, 2021 йил 22 апрель куни соат 15:30 ларда ҳамкасби Д.Яхяева билан бирга ҳайдовчи М.Махмудохуновнинг бошқарувидаги “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомашинада Олмазор туман ҳокимлигида бўладиган йиғилишда катнашувчи фуқароларни текширувдан ўтказиш мақсадида бораётганларида, ҳокимлик биноси рўпарасидаги чорраҳадан чапга бурилаётганларида, ҳайдовчи М.Махмудохунов қарама-қарши йўналишдан тўғрига ҳаракатланаётган “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомашинани йўлига чиқиб кетиши натижасида тўкнашув содир бўлгани, тўкнашув натижасида у ва ҳамкасби Д.Яхяева тан жароҳати олишгани, шу ерда бўлган фуқаролар уларни шифохонага жўнатишгани, тиббий текширув натижасига кўра у бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, энса соҳаси юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, умуртқа поғонаси бўйин қисми дисторсияси каби енгил тан жароҳати олгани, ҳозирда соғлиги яхшилиги, М.Махмудохуновга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

фуқаровий даъвогар Н.Ҳакимбековнинг суд мажлисида, 2021 йил 22 апрель куни соат 15:30 ларда ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомобилда Олмазор тумани ҳудудидан ўтган Кичик ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб, Абдулла Набиев кўчаси томондан Фаробий кўчаси томонга ҳаракатланиб кетаётганида, Кичик ҳалқа автомобиль йўли ва Умид кўчалари кесишган чорраҳада, қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келиб, чапга бурилаётган “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомобиль ҳайдовчиси, кейинчалик исми-шарифи маълум бўлган М.Махмудохунов кутилмаганда унинг йўлига чиқиб кетгани, бу пайтда улар ўртасидаги масофа 10 метрлар бўлгани сабабли, гарчанд у автомобилига тормоз берган бўлсада, оралиқ масофа яқин бўлгани сабабли, тўкнашув содир бўлгани, натижада унинг автомобилига моддий-техник зарар етгани, баҳоловчиларнинг хулосасига кўра зарар миқдори 6.454.745 сўм бўлиб, баҳолатиш учун 450.000 сўм хизмат ҳақи тўлагани, автомобилига етказилган зарар суд томонидан берилган



муддатда ҳам қопланмагани, шу сабабли етказилган жами 6.904.745 сўм зарарни ундириб беришни сўраши ҳақидаги;

фуқаровий даъвогар С.Усмановнинг суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимида хўжалик мудирини бўлиб ишлаши, М.Махмудохунов бўлимида хайдовчи вазифасида ишлаши, унга корхонага тегишли “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомобиль бириктирилгани, 2021 йил 22 апрель куни М.Махмудохунов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида корхонага тегишли бўлган “Дамас” русумли 01 517 ДНА давлат рақамли автомобилга 11.225.353 сўмлик моддий-техник зарар етказилган бўлиб, ушбу зарар М.Махмудохунов томонидан тўлиқ қоплаб берилгани, шу сабабли корхонанинг М.Махмудохуновга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатувлари, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойни чизмаси ва илова қилинган фотолавлар, судга оид тиббиёт, автотехника ва транспорт-изшунослик экспертизаларининг хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан М.Махмудохуновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, М.Махмудохуновга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида мажбурий жамоат ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек, унинг шахсини, илгари судланмаганлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганлигини, автомашинани бошқариб, оила боқиш унинг ягона тирикчилик манбаи эканини инобатга олиб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ қўшимча жазо чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчилар Д.Яхяева, М.Хабибова ҳамда фуқаровий даъвогар – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимининг вакилини М.Махмудохуновга нисбатан даъволари йўқлигини инобатга олиб, муҳокамадан чиқаришни лозим топади.

Суд, жиноят оқибатида фуқаровий даъвогар Н.Хақимбековнинг бошқарувидаги “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомобилга етказилган зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасида, фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган юридик

хслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари,



курилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шартлиги, зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулкый ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланиши назарда тутилган.

Ушбу Кодекснинг 1001-моддасида, бошқа шахс (меҳнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдоридан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Шунга кўра суд, М.Махмудохунов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида Н.Ҳакимбековнинг бошқарувидаги “Матиз” русумли 01 Q 292 JA давлат рақамли автомобилга етказилган жами 6.904.745 сўм зарарни М.Махмудохуновнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 01 517 DHA давлат рақамли автомобилга мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлими ҳисобидан ундиришни;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимига М.Махмудохуновнинг айби билан учинчи шахсга тўлаб берилган зарарни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида М.Махмудохуновдан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эгаллигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Махмудохунов Мухаммадjon Махмуд ўғли (Махмудохунов Мухаммадjon Махмуд о‘ғли) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан уч юз олтмиш соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижроси М.Махмудохунов доимий яшайдиган ҳудуд бўйича Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.



Ҳукм қонуний кучга киргач М.Махмудохуновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлиmidан иш бўйича фуқаровий даъвогар Н.Ҳакимбековнинг фойдасига 6.904.745 сўм ундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлимига М.Махмудохуновнинг айби билан учинчи шахсга тўлаб берилган зарарни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида М.Махмудохуновдан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

З.Бобонов

Аслига тўғри:

**Маъсул судья: Бобонов Зафар Кувондикович**

